
Сектор рахбарларининг сайёр қабули ўтказилди.

Данғара тумани Навбахор МФЙда жойлашган 1-умумий ўрта таълим мактабида сектор рахбарларининг сайёр қабули ўтказилди.

Данғара тумани ҳокими, сектор рахбарлари ҳамда Данғара тумани Халқ қабулхонаси мудирини иштирокида аҳолини ўйлантираётган муаммолари юзасидан сайёр қабули ўтказилди.

Сайёр қабул давомида фуқаролар томонидан ички йўлларни шағаллаш электр ва газ таъминотини яхшилаш, ичимлик суви, ишга жойлаштириш, соғлиқларини тиклаш учун моддий ёрдам ажратилиши ҳамда кадастр ва ер муносабатлари билан боғлиқ 30 дан ортиқ мурожаатлар эшитилди.

Барча мурожаатлар тегишли тартибда рўйхатга олинди, ечими топилган мурожаатлар жойида ҳал этилди ва айрим мурожаатлар ҳуқуқий маслаҳат ва тушунчалар билан қониқтирилди. Муддат талаб этилувчи мурожаатлар эса ҳал этиш учун тегишли мутасаддиларга бириктирилиб, назоратга олинди.

2024-05-16 18:15:19